

Ishonch

2019 йил 14 май • сешанба • № 60 (4189)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Инвестиция муҳити тобора яхшиланиб, ишбилармон доиралар юрти-миздаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда. Халқаро молия институтлари, ривожланган давлатлар ва йирик компаниялар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга сармоя киритмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар раҳбарлари билан олий даражада мулоқотлар бўлиб ўтди. Улар доирасида саноат, энергетика, инфратузилма, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда муҳим келишувларга

эришилди. Ҳар бир хорижий шерик билан қўшма лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Президент қарорлари асосида «Йўл хариталари» тасдиқланди.

Жорий йил 8 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўртта рўйхатга ажратилиб, биринчи рўйхатдаги энг муҳим стратегик лойиҳалар Президентнинг доимий назоратида бўлиши белгиланган эди.

Йиғилишда ана шундай устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинди.

— Инвестициялар иқтисодиёт ривожини, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлайдиган асосий манбалардан биридир, — деди давлатимиз раҳ-

бари. — Ривожланган давлатлар билан муносабатларимиз янги босқичга кўтарилганидан келиб чиқиб, янада фаол ва тизимли ишлашимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига шу соҳа учун масъул вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди. Ҳар бир мамлакат билан ишлаш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил қилинди. Бундан ташқари, мутасадди раҳбарлар бошчилигида махсус ишчи гуруҳлар тузилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда сустлиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди.

Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, иш ўринлари яратиб, халққа фойда келтирадиган, иқтисодий самарадор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Тараққий этган мамлакатларда инвестициялар жалб этиш бўйича тажриба Бирлашган Араб Амирликлари мисолида кўриб чиқилди. Энг замонавий ёндашув ва иш юритиш услубларини соҳа ва тармоқларимиз фаолиятига жалб этиш, ушбу мамлакатдан мутахассислар таклиф этган ҳолда ёки онлайн тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ва тажриба ўрганишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

этган ҳолда, Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этишга қаратилган ишлар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Бу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айнақса, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлиги қайд этилиб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари инвестиция соҳасига доир қонунчилик халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши, улар ҳар бир инвесторга ишонч ва кафолат бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва гендер тенгликни амалга оширишда касба уюшмаларининг иштироки» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Халқаро семинар

Касаба

уюшмалари ва гендер тенглик

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси ҳамда бир қатор хорижий давлатларнинг касба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Халқаро семинарда ЎзКУФК раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев маъруза қилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг гендер бўйича департаменти эксперти Эммануила Поззанининг «Минтақада гендер тенглик соҳасида касба уюшмаларини қўллаб-қувватлашни таъминлашда ХМТ ва АКТРАВ фаолияти» хусусидаги таҳлили эшитилди. Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси эксперти Года Неве-раускайте, ХМТнинг ижтимоий масалалар бўйича мутахассиси Папа Жасмина, Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг меҳнат муҳофазаси масалалари, саломатлик ва инсонпарварлик муаммолари бўйича департаменти бошлиғи ўринбосари Ольга Крикунова ижтимоий ҳимоя сиёсатининг гендер аспекти, минтақа давлатларида хотин-қизлар аҳолининг айрим масалалари ва гендер тенгликни таъминлашда касба уюшмаларининг иштироки хусусида фикр билдиришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Дилором Файзиёва мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ислохотларга тўхталди.

— Халқаро семинарда меҳнат соҳасида гендер тенгликни таъминлашда мамлакатимиз тажрибаси тақдим этилаётган, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова. — Мақсадимиз меҳнат ва бандлик соҳасида халқаро меъёр ва тажрибаларга таянган ҳолда бу йўналишдаги ислохотлар ривожига ҳисса қўшишдан иборат.

Семинар доирасида мавзуга дахлдор бир қатор қизиқарли чиқишлар қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Матбуот анжумани

Мамлакатимизда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик қандай кўринишда ўзифодасини топган ва у амалда қандай самара бермоқда? Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўтказган «Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусидаги матбуот анжуманида шу хусусда сўз юритилди.



Ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

Анжуманда Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлашда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, ижтимоий шериклик асосида иш юритиш жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши, унумли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув асосида республикада 105 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, бевосита ташкилотларда эса 157 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Айтиш жоизки, жамоа шартномаси корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги

меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва касбга оид муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи ва касба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланаётган ушбу ҳужжатнинг ижтимоий таркибини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида бугун ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларини ҳал этишга эришилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувларига ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишга, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларни ўрнатиш тартибига оид аниқ ва батафсил меъёрлар киритилган. Бу эса турли соҳаларда меҳнат қилаётган касба уюшма аъзоларидан қарийб 764 минг нафарининг иш ҳақлари оширилган тариф коэффициентлари бўйича ҳисоблаб тўла-нишини таъминлаётган.

4

Мактабда бир кун

Вазирлик ислохотлари мактабларга тегишли эмас(ми?)

Таълим соҳаси ҳар бир давлат учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Чунки, тараққиётни айлани таълим-тарбия таъминлайди. Юртимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таълим соҳасининг такомиллашаётгани, сифат ва самарадорликка эришиш мақсадида ўқитувчиларга қатор имтиёз ва қўлайликлар яратилаётгани бунинг исботидир. Халқ таълими вазирлиги кун-кунора турли ОАВ орқали интервью бериб, ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатдан озод қилинган, маошлари ошиётгани, уларнинг нуфузи ортгани, ўқув дарсликларининг янги авлоди яратилаётгани, соҳага илғор инновация технологияларининг жорий этилаётгани, ўқитувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида маълумот бериб турибди. Бу эса бир қарашда таълим тизими бемисл ислохотлар оғушида эканидан далолат беради.

Албатта, педагог ходимларга етарли шароит яратиш, меҳнатини қадрлаш керак. Аммо, энг муҳими, ислохотлар ўқувчиларнинг сифатли билим олишига қаратилганми? Ўзгаришлар нафаси ҳамма жойларга ҳам етиб борганми? Педагогик жамоаларда муҳит қандай аҳволда? Бундай саволлар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Чунки, мактабдаги ҳар бир фан инсон шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, бу жараён қай тарзда кечмоқда, мактаблардаги таълим тизимида қандай муаммолар мавжуд? Таҳририят шу мақсадда «Мактабда бир кун» лойиҳасини эълон қилмоқда.



Лойиҳа доирасида муҳбиримиз Сурхондарё вилоятидаги айрим мактаблар фаолияти билан танишди.

3

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Билим «олтин»лари шунчалар қадрсиз(ми?)

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Қорақалпоғистон
Республикаси

Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йилда болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish мавсумини ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлисида муҳим вазифалар режалаштирилди.



Завқли онлар олдинда

Таъкидлаш жоизки, бу йил мавжуд базалардан самарали фойдаланиб, маҳаллий ҳокимликлар, ҳомийлар маблағини жалб этган ҳолда, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларнинг фаолиятини 5 навбатда ташкил этиш йўлга қўйилади. Жумладан, июнь ойида 60 та оромгоҳда 27 минг 590 нафар боланинг кўнглили ҳордиқ чиқариши таъминланади. 10 та стационар оромгоҳда касба уюшмалари ҳисобидан 3500 нафар, ҳокимликлар ҳисобидан 1990 нафар ўғил-қиз дам олдирилади. Бундан ташқари, 50 та болалар маданият ва спорт-соғломлаштириш марказида 22 минг 100 нафар ўқувчини турли бадий санъат ва спорт тўғрисидаги жабҳаларга жалб этиш мўлжалланмоқда.

Тўртқул туманида жойлашган «Лочин» оромгоҳида 800 нафар, Эллиққалъа туманидаги «Орол болалари» оромгоҳида 1200 нафар, Тахиятош туманидаги «Айдин жол» оромгоҳида 625 нафар, Нукус шаҳридаги «Арал» ва «Жас аўлат» оромгоҳларида 875 нафар болалар соғломлаштирилди. Мамлакатимиз ҳукумати ва Касаба уюшмалари Федерациясининг амалий ёрдами билан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда



Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch»

Қашқадарё
вилояти

Шаҳрисабз туманида жойлашган, 1953 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган «Зиё чашмалари» оромгоҳи ўтган мавсум болаларни қабул қилмади. Чунки оромгоҳда давлат дастури асосида жорий таъмирлаш ишлари бошланганди.

Хўш, оромгоҳда шундан буён нималар ўзгарди? Бу йил у ерда болаларни соғломлаштириш ишлари ташкил этиладими? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида дам олиш масканида бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, таъмир-

лаш ишларини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига қарашли «Касаба саноат» масъулияти чекланган жамияти амалга оширмоқда.

Мазълумот юзасидан айтиб ўтадиган бўлсак, «Касаба саноат» МЧЖ ЎзКУФК раёсати қарори билан ташкил этилган бўлиб, асосан юмшоқ мебеллар, ошхона жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонадир. Бугун бу ерда ишлаб чиқарилган жиҳозлар республикамизнинг энг гўзал масканларини замонавий тарзда жиҳозланишига ҳисса қўшаётди. 2018 йилда корхона янги иш ўринлари яратиш мақсадида қурилиш-бунёдкорлик ишларини ҳам йўлга қўйди.

Ўтган йили «Зиё чашмалари»да

Хоразм
вилояти

Намунали оромгоҳ шундай бўлиши керак

Ўқув йили якунланишига ҳам оз муддат қолди. Хўш, оромгоҳлар фаолиятини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Авваламбор қандай чора-тадбирлар кўрмоқ талаб этилади?

Кўшқўпир туманидаги «Дўстлик» ва «Хумо» оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлиги бўйича ўтказилган намунавий кўргазмали семинарда шу каби саволларга атрофлича жавоб изланди. Семинарда шаҳар, туман ҳокимлари, вилоят касба уюшма ташкилотлари вакиллари, мавсумни ташкил қилишга масъул ташкилот ва муассасалар мутасаддилари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокими ташаббуси билан мазкур оромгоҳлар қисқа фурсат ичида мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Болаларнинг қўмилиши учун сунъий кўча бассейнлар ташкил қилинди. Ётоқхоналарда махсус кийим-бош ва оёқ кийимлари, гигиена воситалари шай қилиб қўйилди. Мусиқа, рассомчилик, спорт ва компьютер каби тўғарак хоналари ҳамда алоҳида бадий ва эртак китоблари билан бойитилган кутубхона ташкил қилинди. Вилоят ҳокими барча шаҳар ва туман ҳокимларини ушбу муассасалардан ибрат олган ҳолда болаларни дам олиш ва соғлом-

лаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, оромгоҳларда болалар учун етарлича шарт-шароит яратиш, жорий йилнинг 15 май кунига қадар оромгоҳларни мавсумга ҳозир-у нозир ҳолатга келтириш бўйича топшириқлар берди. Бундан ташқари, ёзги мавсумда болалар учун қадимий шаҳарларга саёҳатлар уюштиришнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, бу борада ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси йил бошидан буён мутасадди идоралар билан ҳамкорликда оромгоҳларни мавсумга шай қилиш бўйича тизимли равишда чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2019 йил 14 январдаги БМ-06/50-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда оромгоҳларни ташкил қилиш учун шароитлари етарли бўлган таълим муассасалари ташаббусли олинди ҳамда оромгоҳлар дислокацияси шакллантирилди.

Вилоят ҳокимининг тақлифи асосида маҳаллий бюджетлар, корхоналар ва ҳомийларнинг маблағи ҳисобига болаларни оромгоҳларга қамраб олиш режаси 2018 йилга нисбатан 30 фоизга оширилди. Эндиликда вилоят бўйича 33 та оромгоҳда 13125 нафар бола дам олдирилади.

Бунда вилоят ҳокимлиги ва касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «2019 йил ёзги мавсумида ўқувчи-ёшларни дам олдирish ва соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида»ги қўшма қарори асос вазифасини ўтамоқда.

Ишчи гуруҳ барча оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳолини мунтазам ўрганиб, натижасини атрофлича таҳлил қилмоқда. Оромгоҳлар жорий йилнинг 1 июнь кунидан ишга туширилиши белгиланган.

Кўргазмали семинарда тайёргарлик ишларини янада жадаллаштириш, камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Алишер САЛАЕВ,
Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri



лаштирилиб, суҳбатлашиб ўтирадиган айвонлар, дам олиш, турли ўйин ва кўнгил очиш майдонлари барпо этилди. Ранг-баранг чироқли фаввора эса ёз оқшомларига ўзгача фусун ва хусн бағишлаши табиий.

Хуллас, бу йил ёзда 300 ўринли гўзал оромгоҳ ишга тушиб, ўғил-қизларга олам-олам шодлик улашади.



Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»

Ҳикмат

Маънавий соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

Л. ТОЛСТОЙ



Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»



Фарғона
вилояти

Ўқувчиларнинг ёзги таътилига ҳам кўп вақт қолмади. Хўш, бугун оромгоҳлар соғломлаштириш мавсумига шайми? Улар болажонларни қабул қилишга қай даражада тайёр?

Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида оромгоҳ раҳбарлари ва унга масъул ходимлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда айна шу саволларга жавоб изланди.

Мазълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилги мавсумда вилоятда 141 та оромгоҳда 33 минг 840 нафар, шундан 22 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 13 минг 740 нафар, 119 та мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда 20 минг 100 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши кўзда тутилган. Йиғилиш давомида оромгоҳларнинг мав-

Фурсат яқин, улгураимизми?

сумга шайлиги танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилиб, ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш, қолаверса, тайёргарлик ишлари суҳт кетаётган оромгоҳларга амалий ёрдам бериш ҳақида фикр алмашилди.

Оромгоҳимиз Кувасой шаҳрининг сўлим гўшасида жойлашган, дейди «Нихол» оромгоҳи раҳбари Куртзаде Умирова. – Жорий мавсумга пухта ҳозирлик кўрдик. Ошхона стол-стуллари янгиланди. Ётоқ бинолари, тўғарак хоналари таъмирдан чиқарилди. Ўтган йили соғломлаштириш 4 навбатда ташкил этилган бўлса, жорий мавсумда 5 навбатда 1000 нафар ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳимиз дам олувчиларга мунтазир.

Масканимизда ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари якунланиши арафасида, дейди Фурқат туманидаги «Ёшлик» оромгоҳи раҳ-


бари Отабек Бегматов. – Бугун қўйилган талаблар доирасида мавсумга тайёргарлик ишларини янада жадаллаштирамиз. Бор кучимизни сарфарбар этган ҳолда белгиланган муддатга оромгоҳимизни мавсумга шай ҳолатга келтирамиз.

Йиғилишда мавсум давомида оромгоҳларда сифатли тиббий хизмат, озик-овқат хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида мавсумга тайёргарлик ишлари ортада қолаётган оромгоҳларда бажарилиши лозим бўлган ишларни 20 майга қадар якунига етказишга келишиб олинди.



Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch»



Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича Президентимиз илгари сурган беш ташаббус фарзандлар таълим-тарбияси, маърифати ва саломатлиги билан боғлиқ муаммоларга самарали ечим сифатида эътироф этилмоқда. Бунга Бўка туманида бажарилаётган ишлар билан танишиш жараёнида ишонч ҳосил қилдик.

Бўка тажрибаси – ибрат намунаси



САНЪАТГА ҲАММА ОШНО

Дастлаб ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган биринчи ташаббус доирасида туманда кенг қўлланма ишлар бошлаб юборилгани эътиборимизни тортди. Туман аҳолисининг уюшқоқлик билан амалга ошираётган сазй-ҳаракатлари ҳам шу ўринда аққол кўзга ташланади.

«Бўстон» маҳалласидаги ҳали тўлиқ фойдаланишга топширилмаган маданият саройида санъат тўғрисидаги фаолияти аллақачон бошланган, ўқувчилар ҳозирданок ўз қизиқишини намойиш қилишмоқда, – дейди Бўка тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Марҳаб Абдулазизова. – Шу боис, ўқувчиларни барча зарурий жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш диққатимиз марказида турибди.

– Бу энди шаклланаётган жараён, беш ташаббусни амалга ошириш механизми Бўка тажрибаси орқали ўрганилмоқда, – дейди Тошкент вилояти ҳокимияти матбуот хизмати раҳбари Бехзод Қобулов. – Асосий эътибор мактаб, стадион, тикув цехлари ва маданият марказларига қаратилган.



СПОРТ – ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Ташаббус асосида ҳудуддаги барча стадионлар, спорт майдончалари, спорт мактабларида тўлиқ, таъмирлаш ишлари амалга оширилгани ҳамда жиҳозлангани бўқалиқлар учун айни муддао бўлди.

– Ҳар куни эрта тонгда маҳалла аҳли спорт майдончасига чиқиб бадантарбия машғулоти билан шуғулланишни қанда қилмайди, – дейди «Янгиқўрғон» маҳалласидаги 28-мактаб директори Жамшид Исроиллов. – Кечки салқинда эса жамоаларга бўлиниб, стадионда мириқиб футбол ўйнашади. Бундан ёшлар ҳам, катталар ҳам бирдек мамнун. Одамлар кун давомида бардам, руҳи тетик бўлиб юришади.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Учинчи ташаббусда кўрсатилган вазифа – ёшларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишлари кенг имконият яратиш борасида ҳам қизғин ишлар кетмоқда.

– Туманимизда компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида енгил конструкцияли иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилади, – дейди Бўка тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Абдулазизова. – Эътиборли жиҳати, фақат ёшлар эмас, катта ёшлар ҳам

ушбу имкониятдан фойдаланиши мумкин. Жумладан, «Бўстон» маҳалласи ҳудудида қайтадан ташкил этилаётган ёшлар боғи таркибидеги марказда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириши учун барча шароит муҳайё қилинмоқда.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Бўка тумани тажрибасида қўлланилиб, келгусида бутун республикага жорий этилиши режалаштирилган йўналишлар қаторида маънавиятга эътибор, китобхонлик тарғиботи ҳам бор.

– Яқинда таниқли санъаткорлар, шоирларнинг туманимизга келишгани, улар ижросидаги кўшиқлар, айниқса, шеърлардан йўналганларнинг қанчалик таъсирланганини сўз билан ифодалаш қийин, – дейди Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Гулбаҳор Жўраева. – Одамларимизнинг санъатга, адабиётга нақадар ташна экани шундоқ намойиш бўлди.


Туманининг «Чавлисой», «Янгиқўрғон», «Ровот», «Бўстон» маҳаллаларида кутубхоналар барпо этилиб, замонавий жиҳозларга ҳамда зарурий адабиётлар билан таъминланаётгани ҳудуд аҳолисининг билим даражаси ошиши, дунёқарашининг ўсиши ва маънавий юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

ИШЛИ АЁЛ – ЭПЛИ АЁЛ

Яна бир ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш асосида аҳоли зич жойлашган, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда 150-250 ўринга мўлжалланган 6 та тикувчилик цехи ташкил этилмоқда. Дастлаб «Бўстон» маҳалласидаги «Бўстон барака чеварлари» тикувчилик цехи қурилиб, ишга туширилди.

– Ишсиз аёллар учун маҳалланинг ўзида иш бошлаган «Бўстон барака чеварлари» тикувчилик цехи қутилмаган

Ташаббуснинг қаноти бор



совға бўлди, – дейди Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Машхура Абдуғафорова. – Ҳозир биринчи тайёр маҳсулотларни чиқара бошладик. Тикувчиларимизнинг ҳам замонавий тикув машиналарини ишлатишга анча қўли келиб қолди.

Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар фақат тикув цехлари билангина чекланиб қолгани йўқ. «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури доирасида оилавий тадбиркорликка жалб қилишга ҳам эътибор қаратилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирга қадар 325 нафар аёл кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бу жараён хотин-қизлар кўмитаси, банклар, тадбиркорлик марказларининг ҳам диққат марказида. Хусусан, «Хў-жақўрғон» ва «Катта рабоб» МФЙда иш бериш кунлари ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун барча зарурий ёрдамлар берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бўка туманига бир кунлик сафаримиз давомида ҳудудда кечаётган жараёнлар вақтинчалик тадбиркорлик ёки қўғозлардагина «бажарилган» ишлар эмас, балки амалда йўналишга топаётган, кеска-ю ёшнинг ҳамжиҳатлиқда сидқидилдан қилаётган фидокорона меҳнатлари эканининг гувоҳи бўлдик.



Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch»

Хотира уйғонса, гўзал...

удумларини олиб келиб, кўрсатаркан:

– Бу китоб билан танишмисиз? – деб сўради.

Мен унга китобга муҳаррирлик қилганимни айтдим.

– «Ўзбекино»да шунинг фильм қилиб беринг деяпти, – деди Темур ака суюнгандек. – Бир йигит бор экан, чет эллар учун, фестивалларни мўлжаллаб кўп қисмли ҳужжатли фильмлар тайёрласа, деяпти.

– Таклифига қўндингизми?

– Ҳайронман, – дея кифт қисди Темур ака ўз оdatига кўра бил-ла-тушуниб турган нарсасини билмаслик-тушунмасликка олиб. – Кўп қисмли фильм бўладиган бўлса, бунга давлатнинг қанчадан-қанча маблағи кетади, қандайдир фестивални қўлаб эмас, аввало, ўзимизнинг халқимизга маъқул бўладиган фильм яратишимиз керак, десам, бу гапни унчалик ёқтиришмади.

Маҳмуд Саттор ҳам кейинчалик фильм яратиш борасида ғалати тавсияномаларни эшитиб, Темур аканинг сўзларини қўллаб-қувватлади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бу оламни тарқ этишди. Иккиси ҳам ўз халқининг дард-у ҳасратларини, кувонч-у ташвишларини яхши билладиган ижодкорлар, камтарин инсонлар эди. Темур Аҳмадхўжаев шун севган улғў аждодларимиз, спорт мавзуларидан ташқари халқ удумлари борасида ҳам талай ҳужжатли фильмлар яратди, у ўзбек киносига жонли санъати анъаналаридан фойдаланган ҳолда янги босқичларга чиқишини қўришни ордун қилган ҳақиқий кино ижодкор эди. Афсуски, унинг орзулари ҳам ордунлигича қолди кетди.

Маҳмуд Саттор китобларидаги мавзулар халқимиз ҳаётида қанчалик кўп асқатса, унинг руҳи шунчалик оқ бўлади – чуқки у ўзбек удумларининг ҳақиқий ошуфтаси эди!

Шойим БЎТАЕВ



Арифов

...Уша саодатли кунларнинг бирида хонамизга юпқагина қўлэзма кўтариб Маҳмуд Саттор кириб келди. Бўлим муҳаббатимиз уни си-полик билан қаршилаб, қандай қўлэзма олиб келганини сўради. Маҳмуд ака айтди. Бўлим муҳаббатимиз ўрнидан туриб, боши билан «юринг» ишорасини қилганча уни ортидан эргаштириб, хонадан олиб чиқди. Кўп ўтмай, мени бош муҳаррир ўринбосари Тоҳир Маллик йўқлаётганини айтишди.

– Бу қўлэманинг мавзуси яхши экан, – деди Тоҳир ака оdatдаги бо-сиклик билан. – Муаллиф билан ишланг, хали олдинда истанганча вақт бор, кейинги йилнинг режа-сига киритамиз.

Шу баҳонада Маҳмуд Саттор билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. У киши жуда дилкаш, дав-раларни севадиган, ақиллари, ай-ниқса, устозларига садоқати ба-лаландиги билан ажралиб турарди. Аста-секин қадрдонлашиб кетган-нимизни сезмай қолдик ва ҳатто, дам олиш кунларида ҳам учрашиб, Маҳмуд аканинг «Волга»сида ёв-войи сәҳахларга ҳам чиқиб тура-

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирилари эди. Аввалги «Юлдузча», ҳозирги Чўлпон номидagi нашриёт-матбаа ижод уйида ўз номи билан ижод қайнаб-тошар, энг ками 30 минг, бу ёғи 60 минг, ҳаттоки, 120 минг нусхада чоп этилаётган китоблар қўлма-қўл бўлиб, халқимиз орасида тарқалиб кетар эди.

Ўзбек удумлари ошуфтаси

диган бўлдик. Маҳмуд ака жўяли таклифга ҳеч қачон рад жавобини бермас, фурсати бўлмаган тақ-дирда ҳам кўнгил олиш йўлини бил-лар эди. «Билар эди» депман-у бу ибора ўрнига тушмаётгандек, наф-силарини айтганда, у инсонларга чексиз меҳр-муҳаббати туфайли барча билан баробар эди.

Энди-энди узумлар гўра бўла бошлаган пайтида бир кун Маҳ-муд ака кўнғироқ қилиб:

– Гўроби дегани нима эканли-гини биласизми? – деб қолдилар. Ҳеч эшитмаган эдим. Нима де-яримни билмай чайналиб қолга-нимни пайкаб:

– Кеча Китобдан келдим, – дея тушунтириш бера бошладим. – Биз-нинг жойларимиз Ҳазрати Башир тоғига яқин, Қашқадарё дарёси бош ўзанининг икки соҳилида жой-лашган. Паландара деб эшитганми-сиз?

Менинг ўйлаиб қолганимни сезган Маҳмуд ака, Паландаранинг

луғавий маъноси йўлбарслар да-раси эканини айтиб, ўзининг ҳам ўша қишлоқданлигини билдирди.

– Сизнинг ҳам жимгина юриб қўққисдан катта бир ишларни бошлаб юборингизиз шунинг учун экан-да, – дедим ҳазиллашгим ке-либ.

Аммо Маҳмуд ака буни жиддий қабул қилди.

– Тўғри айтасиз, – деди маъқул-лаб. – Йўлбарслар дейишади, йўл-барслар юрган йўл ҳам дейишади, насиб қилса, бир олиб бораман, ўз қўзингиз билан ҳам қўриб, қойил қоласиз. Мен сизга айтётганим гўроби дегани ҳам фақат бизда тай-ёрланди, узумнинг пишмагани – гўрасининг суви, ярим литрлик бутилкага солиб келганман, ўзим эур иштаха очар нарсас, эртага Икромжонни топиб, шуни бирга-лида баҳам кўрсат дедим.

У-бу баҳона топиб пайсалга со-лишимни пайкаб қолдим, Маҳмуд ака Баёзгор оханга:

– Вақтингизга қаранг, – деди кўн-гилга боқаётгандек. – Аммо-лекин атаб олиб келганман, қачон бўлма-син, учқовимиз шу гўроби баҳона-сида бир гурунглашмиз деганман. Келгуси дам олиш кунда Икром Отамурод ҳамроҳли-гида Маҳмуд аканинг «Волга»-

Ҳикмат

Мен билимдон бўлиб яралган эмасман, шу боис билимни ўттишдан олишга жидд-у жаҳд қилдим.

КОНФУЦИЙ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлар – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета ishonchнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрқон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

«1

Жамоа шартнома ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги даражасини ошириш, иш ўринларида санитар-гигиеник вази-ятни яхшилаш, ходимларни яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари, санитар-маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтка-зиш, меҳнат муҳофазаси қоида-ларига ўргатиш, зарарли меҳнат шартнолари учун ходимларга имтиёз ва компенсациялар бе-риш масалалари ҳам эътибор марказида. Бундан ташқари, жа-моа шартномаларига киритиш орқали иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш бо-расида аксарият корхона ва таш-килотларда асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллار ўрнатил-ган. Иш стажига қараб қўшимча таътиллар бериш тартиби жо-рий этилган. Натижада 2 млн. 500 минг нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган, 2 млн. 300 минг нафарга яқин ходим эса йиллик қўшимча таътиллardan фойдаланмоқда.

Жорий йилда республика миқёсида корхона ва ташкилот-ларда жамоа шартномалари ба-жарилиши якунлирига бағиш-лаб ўтказилган меҳнат жамо-аларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ходим-лар олдида очик ҳисобот бе-рилди ҳамда меҳнаткашларнинг тақлифлари асосида жамоа шарт-номаларига янги банд ва меъёр-лар, қўлайликлар киритилди. Таҳлиллар шуни кўрсат-моқдаки, амалдаги жамоа шарт-

номаларининг деярли 99,4 фоиз-ига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шарт-номасини бекор қилишдан ав-вал касаба уюшма кўмитасининг розилигини албатта олиш ло-зимлиги тўғрисидаги банд кир-тилган.

Қайд этиш зарурки, кейин-ги йилларда жамоа шартнома-лари ижтимоий таркибининг кучайтирилиши ходимларнинг даромади ошишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсат-моқда. Хусусан, корхона, таш-килот ва муассасаларда ўрта ҳи-собда бир ходимга ойлик маош-дан ташқари жамоа шартномаси орқали бир йилда сарфланган маблағ миқдори бундан 4-5 йил аввал ўртача 1,5 млн. сўмни таш-кил этган бўлса, 2018 йил даво-мида ўртача 3,5 млн. сўмдан зиёдни, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида эса 8-12 млн. сўмни ташкил этди.

Аҳамиятли жиҳати, жамоа шартномалари ва келишув-лари ходимларнинг меҳнат ва турмуш шартноларини ях-шилаш, бандлиқни таъмин-лаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш баробарида, корхона-ташкилотларда иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқдаки, бун-дан меҳнат муносабатлари-нинг барча субъектлари бир-дек манфаатдор бўлмоқда.



Тўлқин ШЕРПАЕВ,
«Ishonch»

Давра суҳбати

Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюшмаси Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб «Ватанга аскардай фидойи қалам» номли давра суҳбати ўтказди.

Қўлда қалам билан...

Жамоатчилик вакиллари, фахрий журналистлар, оммавий ахборот воси-талари вакиллари, талаба-ёшлар қатнашган анжуманда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳамда фронт ортида меҳнат қил-ган журналистлар хотираси ёдга олинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларига кўрсатаётган эъти-бори алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда таъкидлангани-дек, уруш йилларида Ўзбекистон-да 200 га яқин газета, 52 та журнал нашр этилган. Матбуот саҳифаларида фронтдаги ва-зият, республика меҳнат жамоа-ларининг фидокорона меҳнати, қийинчиликлар кенг ёритиб бо-рилган.

– Ўзбекистоннинг бир гуруҳ журналистлари армия бошқар-малари ихтиёрига юборилган, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров. – Улардан Тўлқин

Рустамов, Жалолхон Азизхонов, Рустам Абдурахмонов, Аҳсам Раҳмат, Муҳаммаджон Муродов ва бошқалар, талаба-ёшлар қатнашган анжуманда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳамда фронт ортида меҳнат қилган журналистлар хотираси ёдга олинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларига кўрсатаётган эътибори алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда таъкидлангани-дек, уруш йилларида Ўзбекистон-да 200 га яқин газета, 52 та журнал нашр этилган. Матбуот саҳифаларида фронтдаги ва-зият, республика меҳнат жамоа-ларининг фидокорона меҳнати, қийинчиликлар кенг ёритиб бо-рилган.

– Ўзбекистоннинг бир гуруҳ журналистлари армия бошқар-малари ихтиёрига юборилган, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров. – Улардан Тўлқин

Комили БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси касаба уюшма меҳнат фахрийси Хасен Ермагамбетовга отаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чиси

Атабай ЕРМАГАМБЕТОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходим-лари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва ҳудудий бирлашган касаба уюшма кўмиталари Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобчиси

Нодира ЭМИНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билди-ради.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Муасхаж: С. Шодиева
Саҳифаловчи: Х. Абдулжалилов

ЎЗА яқини – 02:00

Топширилди – 02:20

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г – 517.

30112 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133